

## **Ўзбекистон География жамияти ва Рус География жамияти ўртасидаги ҳамкорлик**

Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон География жамияти хорижий географлар билан илмий ва амалий ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор берди. Жумладан, кўп томонлама муносабатлар Россия Федерацияси географлари билан ўрнатилди. 2015 йил октябрь ойида Москва шаҳрида Рус География жамиятининг 170-йиллигига бағишланган халқаро фестивалда Рус География жамияти Президенти С.К.Шойгу ва Ўзбекистон География жамияти раиси А.С.Солиев иштирокида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартнома 2020 йилда яна 5 йилга узайтирилди.


Ўзбекистон География жамияти ва Рус География жамияти ўртасидаги ҳамкорлик доирасида россиялик географлар ўз тадқиқотлари натижаларини “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журналида, Ўзбекистонда география бўйича ўтказиладиган халқаро ва республика илмий конференция материаллари тўпламларида, республикада географлари эса ўзларининг илмий ишларини Россиянинг илмий журналлари ва тўпламларида нашр этмоқдалар.



**2015 йил октябрь ойида Москва шаҳрида РГЖ 170-йиллигига бағишланган халқаро фестивалда Ўзбекистон География жамияти ва Рус География жамияти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими**

Ўзбекистон География жамияти ва Рус География жамиятининг ижодий ҳамкорликнинг муҳим саҳифалари РГЖ Пенза бўлими томонидан ташкил этилган 2018 йил октябрь ойидаги “Современный этномир”

экспедицияси бўлди. Унинг мақсади Ўзбекистондаги рус ва русийзабон аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш эди. Ўзбекистон География жамияти вакиллари Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги объектларни мақсадли ўрганишда экспедициянинг ишида бевосита иштирок этдилар.



а)



б)

**РГЖнинг Пенза бўлимининг “Современный этномир” экспедицияси аъзолари Ўзбекистон географлари билан:**

**а) Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида;**

**б) Самарқанд давлат университетида**

Россия экспедицияси иштирокчиларига Ўзбекистонда рус ва русийзабон аҳолининг динамикаси ва ҳудудий таркиби, республикада рус тили ва маданиятининг тарқалишидаги ҳудудий тафовутлар билан боғлиқ илмий ва статистик маълумотлар берилди. Экспедиция натижаларига кўра, Россиядаги турли босма ва электрон нашрларда Ўзбекистон ва унда рус тили

ва маданиятининг ривожланишига оид бир қатор илмий ва илмий-публицистик мақолалар чоп этилди, шунингдек, Пенза шаҳрида Ўзбекистонга бағишланган кенг кўламли фотокўргазма ташкил этилди.